

Болалар бахтиёрлиги — юрт саодати

Ҳар бир мамлакатнинг эртанги кунни, истиқболдаги тараққиёти ёш авлод камолоти билан узвий боғлиқ. Айтиш жоиз, мамлакатимизда ҳам ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом этиб тарбиялашга, шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб, аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар амалга оширилмоқда.

Иzzатулла ТОЛИБОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари

Xусусан, 1998 йилда «Оналар ва болалар скрининги», 2000 йилда «Соғлом авлод», 2001 йилда «Оналар ва болалар» сингари мақсадли дастурлар амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси бўйича истиқболли лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилди. Бу ишларнинг узвий қисми 2005 йилда қабул қилинган «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида ҳам тўлиқ ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган «2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорли-



гини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ҳам ушбу йўналишдаги муҳим қадамлардан бўлди. Мазкур қарорда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, тугруққа ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш каби қатор масалалар кўзда тутилган. Айтиш жоизки, ушбу саъй-ҳаракатлар болаларнинг соғлом вояга етишларига қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигида бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, улар-

нинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган бўлиб, қабул қилинган қонулар болаларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатимиз айни пайтда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид 38 та халқаро ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида «Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимояси доимий эътиборда эканлиги ҳақида сўз юритилди. Бу эътибор миллий қонунчилигимизда тўлалигича ўз аксини топган бўлиб, ратификация қилинган бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар мазмун-моҳиятига мосдир. 2008 йил 7 январдан кучга кирган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги ишларда яна бир муҳим қадам бўлди. Жисмонан соғлом ва маънавий етук авлоднинг шаклланиши борасида қабул қилинган ушбу қонуннинг мақсади ҳам болаларнинг камол топиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ва уларни кафолатлашдан иборатдир.

Мамлакатимиз Конституцияси бу борада энг муҳим асосдир. Унга кўра, бола дунёга келиши билан ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади ва шу билан бирга, улар давлат томонидан кафолатланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига мувофиқ, фарзандлар ота-оналарнинг ижтимоий келиб чиқишидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Мухтасар қилиб айтганда, ёш авлод камолоти йўлидаги бундай ғамхўрлик ва эътибор замирида фарзандлар кўнглига қувонч ула-нишлек эзгу мақсад мужассамдир.